

Қуръони Карим дарслари (66-дарс). Қуръон оятларининг тартиби



14:45 / 31.12.2019 7597

Қуръоннинг жамланишида оятларнинг тартиби Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ишораларига мувофиқ ва Аллоҳ таолонинг тавқифи – белгилаб беришига асосан бўлган. «Тавқиф» сўзи бизнинг тилимизда «юқоридан тасдиқланган» деган маънони англатади. Яъни Қуръони Карим оятларининг тартиби Аллоҳ таолонинг Ўзи тарафидан белгилаб, тайин қилиб берилган. Бу ишда бандаларнинг ҳеч қандай дахли йўқдир.

Ҳар бир сурадаги оятларнинг ўрни ва басмалаларни сураларнинг бошига қўйиш тартиби шаксиз ва хилофсиз, тавқифийдир. Шунинг учун унга хилоф қилиш жоиз эмас.

Қуръони Карим оятлари тартиби тавқифий эканининг далили қуйидаги ривоятда келган.

Ибн Абу Мулайкадан ривоят қилинади:

«Ибн Зубайр деди: «Усмонга: «Сизлардан вафот этиб, жуфтларини қолдирганларнинг...»ни бошқа оят насх қилган. Нимага уни ёзасан ёки тарк қиласан?» дедим. «Эй биродаримнинг ўғли, ундан ҳеч нарсани ўз ўрнидан ўзгартирмайман», деди».

Бухорий ривоят қилган.

Демак, Усмон розияллоҳу анҳу оятларнинг ўрнини ўзгартиришга журъат қилмаганлар. Гарчи оятнинг насх қилингани собит бўлиб турса ҳам, уни олиб ташламаганлар. Чунки у киши ўзларида ҳам, бошқаларда ҳам Қуръон оятларининг тартибига аралашиб ҳуқуқи йўқлигини яхши билар эдилар. Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга оятларнинг тартибини Аллоҳнинг амрига мувофиқ айтганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз даврларида ваҳий котибларига ушбу тавқифий илмни етказганлар.

Имом Аҳмад Усмон ибн Абул Оссдан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида ўтирган эдим. Тўсатдан у зот кўзларини юқорига қаратиб, сўнгра тўғриладилар-да, кейин бундай дедилар:

«Менга Жаброил келиб, мана бу оятни сурадаги мана бу ўринга қўйишимни буюрди: «Албатта, Аллоҳ адолатга, яхшилик қилишга, яқин қариндошга (ҳақини) беришга амр этур ва фаҳшдан, мункардан ҳамда тажовузкорликдан қайтарур. У сизларга ваъз қилур. Шоядки, эслатма олсангиз».

Ҳадис китобларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ваҳий котибларига Қуръонни имло қилиб, сўнгра уларга оятлар тартибини кўрсатиб берганларини тасвирлайдиган кўплаб ҳадислар мавжуддир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир неча сураларни оятлари тартиби билан намозда ёки жума хутбаларида кўпчилик саҳобалар гувоҳлигида ўқиганлар. Мана шу ҳолат оятларнинг тартиби тавқифий эканига очиқ-ойдин далилдир.

Саҳобалардан бирор киши оятларнинг Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам белгилаб берган тартибига хилоф қилмаган. Ҳатто бу масала мутавотир даражасига етган.

«Қуръон илмлари» китобидан